



INSON

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 1 октябр, жума № 158 (1791)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ



ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Мухтарам устозлар! Қадри ўқитувчи ва мураббийлар!

Аваламбор, халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табииий, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чекиз миннатдорлик туйғулар, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўътабар бўлган улуг зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ўзининг бор меҳри ва қалб кўрини болаларга бериш, уларнинг ҳаётига маъно бағишлаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечиб, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканини йиллар, асрлар давомида исботлаб келатган сиз, мухтарам устозлар олдида бугун бош эгиб ҳар қанча таъзим

қилсак, шаънингизга энг гўзал ташбехлар айтиб, самимий тиллақларимизни изҳор этсак, арзийди.

Доимо эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, эъзозлаб келинган ўқитувчилик касби айниқса бугунги кунда янада катта масъулият ва маъно-маъмурият касб эътиборини ҳозирги шиддатли замон, олдимизга янги-янги муаммоларни қўяётган ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб, унинг ҳукмронлигини амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олишимиз даркор. Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжига чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқшимизга фақатгина билим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин.

Бошқача айтганда, биз ўзимизнинг олижаноб мақсадларимизга фақат маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, ўзининг қилмиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур

англаган, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган қимматли инсонларни, ёш авлодни тарбиялаш орқалигина етиши оламиз.

Бутун маърифий дунё англаб етайётган ана шу ҳаётини талабни инобатга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларнинг самарасини янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини муносиб қадрлаш масаласига катта эътибор қаратаётганимиздан, ўйламанки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши хабардор.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, ўзининг дастлабки натижаларини бераётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафарбар этаётганимиздан далолат беради.

Биз қатъий, ишонч ва эътиқод билан бошлаган бу ишларимизни албатта охирига етказамиз.

Айни пайтда нафақат бугунги кунимиз, балки келажакимизга ҳам дахлдор бўлган бу масаланинг пировард натижаси сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, билим ва маҳоратингизга,

ватанпарварлик фазилатларингизга боғлиқ эканини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз ва бу ишда аввало сизларга таянамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилмайдиган минг-минглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт олдида, келажак олдида қилаётган хизматларингиз учун миллионлаб шогирдларингиз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор ташаккурлар айтишга ижозат бергайсиз.

Сиз, азизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриқлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тиламан.

Уринингиз маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин, мухтарам устозлар!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўқитувчи деганда энг аввало кўз ўнгимизда мактаб йилларимиз, мунис ва меҳрибон муаллимимизнинг нури сиймоси гавдаланади. Ҳар биримизнинг ҳаёт йўлимизни нурлантирган ўз устозимиз, ўқитувчиларимиз бор. Улар мурғак тафаккуримизни маърифат энёиси билан ёритган, қалбимизга эзгулик ниқолларини эккан биринчи муаллимимиздир. Шу боис, илк бор қалам тутишни ўргатган, илм-маърифат дунёсига етаклаган, касб-хунар сирлари ила ошно этган устоз-мураббийлар бекиёс ҳурмат ва эъзозга сазовор зотлардир. Зотан, Алишер Навоий хазратлари лўф этганларидек, устозлар ҳақини ҳеч қандай ганж - хазина, бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

риф ставкасининг 5 фоиздан 20 фоизгача миқдорда оширилди. Шунингдек, синф раҳбарлиги учун амалдаги ойлик кўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоиздан 100 фоизгача миқдорда оширилди. Ҳукуматимизнинг бу қадар эътиборидан рағбат топган ўқитувчилар зўр омиликорлик, фидойилик кўрсатиб ишламоқдалар. Иқтидорли ёшлар, из-

МУАЛЛИМ КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР

Шу боис бўлса керакки, маърифат ахлининг ҳамиша юраги тўла яхшилик, нигоҳлари тўла умид. Йўллари эса эзгуликка тўлаш. Улар тарбиялаган шогирдлар юрт қалқони, Ватан, миллат қиёфасидир. Тармоқ Марказий кўмитамиз ва унинг тасарруфидаги барча кўйи бўғинларида педагог ходими жамоа талаба-ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаб, уларнинг салооматлиги, дам олиши ҳақида ғамхўрлик қилиши ўз фаолиятининг дастуриламали деб билади.

Бу борада ўзаро ҳамкорлик асосида тузилган жамоа шартномалари ишончли манба бўлиб кизмат қилмоқда. Тармоқ касба уюшмаси рўйхатида турган 4160 та юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасаларининг барчасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Бу муҳим ҳужжат орқали 1 миллиондан ортиқ ходимлар манфаатлари қамраб олинган. Тузилган жамоа келишувлари ва шартномалари 10206 та ташкилотга татбиқ этилди. 4070 та ташкилотдаги жамоа шартномаларида меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касба уюшма кўмитасининг розилигини албатта олиш мажбурияти алоҳида бўлим сифатида

қайд этилди. 5000 нафар педагогик ходими жамоа шартномаси шартларига бинноан соғломлаштириш учун 173 миллион сўм сарфланган.

Мақтаб жамият тараққиётига, саодатли келажакимизга дахлдор. Президентимиз ташаббуси билан мактабларимизга жуда катта эътибор берилляпти. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»-ги Фармонни бажариш ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базасини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида етук кадрларни тайёрлаш учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирилр Маҳамаси қарор қабул қилди.

Шу билан бирга умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кўлайитириш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф ўқитувчиларига амалдаги ойлик устамалар меҳнатга ҳақ тўлашини ягона тариф сеткаси бўйича та-

ланувчан, фидойи ўқитувчилар нафақат соҳа ходимларининг, балки халқимизнинг катта бойлигидир. Уларнинг билим ва интилушларини қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рағбатлантириш, шунингдек, иқтидорли талаба-ёшларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш фаолиятимиз мезонини ташкил этади. Шу ниятда Марказий кўмитамиз жойлардаги барча кўмита ва ташкилотлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ижодкор-ўқитувчиларни аниқлаш мақсадида «Йил ўқитувчиси» ҳамда «Йил мактаби» кўрик-танловларини ўтказишда фаол қатнашиди. Мазкур танлов иштирокчилари имконият даражасида қўллаб-қувватланадиган ва уларга турли қимматбахо совғалар топиширилади.

Шунингдек, мамлакатимиз олий ўқув юртиларида тахсил олаётган кам таъминланган иқтидорли ва жамоатчи талабаларга Марказий кўмитанинг махсус устама стипендиеси жорий этилган. Шунингдек, Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари тармоқ касба уюшмалари томонидан ҳам талабалар учун махсус стипендиялар берилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ


Мамлакатимиз пойтахтидаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи - «Шарқ гўзали-2004» мусобақалари бошланди. У Маданият ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, республика бадий гимнастика федерацияси, Миллий Олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди.



очик деб эълон қилди.

Мамлакатимиз спорт шарафли йилдан йилга юксалиб бормоқда. Жаҳон чемпионатлари, Осиё уйинлари, бошқа халқаро мусобақаларда юксак соғирларни қўлга киритаётган ўзбек спортчиларининг ҳасорати ёш авлодни янги ғалабаларга ундамоқда. Афинадаги XXVIII Олимпия уйинларида қўлга киритилган ютуқлар - икки олтин, бир кумуш ва икки бронза медал спортчиларимизнинг маҳорати ошаётганидан яна бир далолатдир. Олимпиадада иштирок этган 202 мамлакат орасида Ўзбекистон вакиллари умумжамоа ҳисобида 34-ўринни эгаллади.

Булларнинг ҳаммаси - мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилётган улкан эътибор, ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом тарбиялашга қаратилган давлат сиёсати самарасидир. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш тизими ишлаб чиқилди. У мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда талабаларнинг «Универсиада» мусобақаларини ўзида мужассам



ташкил этилди.

... Майдонга рақс жамоалари, таниқли хонандалар кириб келади. Еркин, рангбаранг томошани республикамизнинг турли ҳудудларидан келган ёш гимнастикачиларнинг чиқишлари янада безайди.

Мамлакатимизда бадий гимнастикага оид аъёналар ўтган асрнинг 40-йилларида гориб тақалади. 1956 йилда биринчи республика мусобақалари - Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби бутун дунёга танилган. Венера Зарипова, Алина Кабаева, Елена Холодова, Яна Батиршина каби қўллаб машҳур спортчилар Ўзбекистон заминда улгайган. Мустақиллик йилларида бадий гимнастикага қизиқиш ва эътибор янада ортди. Нафақат пой-



этган. Давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси

таҳтимида, балки вилоятларда ҳам халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган қўллаб спорт иншоотлари қад ростлади. Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятларида ёш гимнастикачиларни тарбиялаш борасида ўз услубига эга мактаблар пайдо бўлди.

Жаҳон кубоги босқичининг мазкур мусобақалари Халқаро гимнастика федерацияси қондаларига мос ўтказилмоқда. Унинг дастуридан қўлқураш, яққа ва гуруҳ машқлари жой олган.

Мусобақаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизжўаев, С.Иномова иштирок этди.

(ЎзА)

ЯНА БИР ТУМАН МАРРАДА

Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани дехқонлари 4 минг 300 тонна пахта топшириб, шартнома мажбуриятини бажарди. Туман хирмонида Ажиниёз номидаги, «Равшан», «Хоразм» каби ширкат ҳўжалиқлари салмоқли ҳисса қўшди.

СОДИҚЛИК ҚАСАМЁДИ

Жануби-ғарбий ҳарбий округга қарашли қисмда сафарбарлик қақуруви резервига жалб этилган йигитларнинг қасамёди қилиш маросими бўлди. Малакали ҳарбий тайёргарликдан ўтган аскарлар ўз юртига, халқига, Президентига доим содиқ қолиб, Ватанини кўз қорачигидек асрашга онт ичди.

Сафарбарлик қақуруви резервига олинган ёшлар бир ой давомида жисмоний, ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик бўйича ўз-

луқсиз машғулотларни ўтадилар, - дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи вазифасини бажарувчи З.Шермаметов. - Ёшлар замонавий ўқотар куролларни ишлаши ва уларнинг тактих-техник имкониятларини ўрганди.

Маросимда иштирок этган ҳарбийлар, аскарларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари йигитларни бу унутилмас воқеа билан қутлади.

(ЎзА)

Хорижда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасидан тайёрланган ип қалава ва газламага, тайёр қийим-кечаларга талаб ошиб бормоқда. Халқаро сифат марказининг олтин нишонини қўлга киритган қашқадарёлик саноатчилик ўтган йили 151 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарди.

Воҳода 46 та қўшма корхона ишлаб турибди. Бултур вилоят иқтисодиётига 48 миллиард сўм миқдорда чет эл сармоясини киритилди. Қўшма корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 4,16 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Тайёр махсулотни четга экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Қадимий ва ҳамиша навакирон Шаҳрисабзда барпо қилинган «Оқсарой-тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхонасида бир йилда ип қалава газлама ишлаб чиқариш ва сотишдан келган пул тушуми 12 миллиард 158 миллион 697 минг 255 сўмга етди. 12 миллион 255 минг АҚШ доллар миқдоридики махсулот четга экспорт қилинди. Меҳнатдаги юксак натижалари учун халқаро сифат бошқаруви тизимининг сертификатини олишга сазовор бўлди.

Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида энгил саноат тизимида хорижий сармоялар иштирокида яна 7 та қўшма корхона ишга туширилди. Қашқадарёдаги ҳар йили 3350 тонна ип қалава ишлаб чиқариш қува-

тига эга «Яккабоғтеқс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ана шундай ен-

гил саноат даргаларидан бири. Воҳода пахта толасидан тайёр махсулот ишлаб чиқарувчи туртинчи қўшма корхона вуҷудга келди.

Яккабоғлик тадбиркор Эшқувват Ашуров ва хорижа ҳамкорларнинг саяёҳаракатлари, туман ҳокимлигининг бевоасита қўллаб-қувватлаши тўғрисида Низом жамғармаси 1813 минг евродан иборат янги мажмуа барпо этилди. Унга қўп тармоқли «Ўзбекистон» шўьба корхонаси ва Германиянинг «Техпроект Гмбһ» фирмаси таъсисчилик қилган. Ўзбекистоннинг томонининг улushi 1260 минг евро, яъни 70 фоизни ташкил этса, чет эл сармоядорининг ҳиссаси 550 минг еврога тўри келади.

Технологик усулларни сотиб олиш учун Германиянинг «Коммерцбанк» ҳамкорлигида республика «Асакабан»-идан 5,3 миллион

Истиқлол берган имкон

евро миқдорда узок муддатли кредит расмийлаштирилган эди. Хорижий сармоядорлар олинган кредит фонзаларини қоплаш, ускуналарни келтириш ва ўрнатиш, ишга тушириш, бир

айланишида иштирок этиш ўзгача фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади, - дейди ишчи Манзура Расулова. - Тайёрланган махсулот лабораторияда синовдан ўтказилиб, сифатига қаноат ҳосил қилинган, истеъмолчиларга юборилади.

ҚАШҚАДАРЁ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ

Йилгача тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, махсулотни жаҳон бозорига сотиш учун харидор топишга қумаклашиш мажбуриятини олдилар. Цехларга Германиянинг «Tritscher» ва Чехиянинг «Elitex» фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий қайта ишлаш ускуналари ўрнатилди. Унинг ёрдамида йилга 3600 тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланиб, 3300 тоннадан ошиб ип-қалава ишлаб чиқарилди. Махсулотнинг 80 фоизи четга экспорт қилинади.

Лаборатория бошлиғи Шохида Аморова қалаваларнинг сифатини чуқур текширувдан ўтказса, корхона механиги Элмурод Тўрабоев техника-механизмларнинг бекунсон ишлашини назорат қилади. Ёш ип йигирувчилар Гулнора Зўхриддинова, Махбуба Умарқова ва Жумагул Раҳимовалар агрегатларни моҳирлик билан бошқариб, пахта толасини ип-қалавага айлантиришади.

Хозирги пайтда корхонада 160 иш ўрни яратилган бўлса, келгусида уларнинг сони 350 кишига етказилади. Тўқув ускуналарини малакали маҳаллий ёшлар бошқармоқдалар. Бошқарув тизими тўлиқ компьютерлаштирилган.

Жамоа аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун барча шартлояр яратилган. Ишчиларга бепул иссиқ овқат, сут ва сут махсулотлари берилди. Шунингдек, қўшимча таътил ва мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Орадан йиллар ўтади. «Яккабоғтеқс» ҳам «Оқсарой тўқимачи-ЛТД» қўшма корхонаси каби жаҳон бозорига мустақкам ўрин эгаллаган гигант мажмуага айланади.

Изаат ХИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗ, МУРАББИЙЛАР!

МУАЛЛИМ КАМОЛОТ ИЧРА КЎЗГУДИР

(Боши 1-бетда)

Сўнги йилларда соҳа ходимлари спартакиадаларини ўтказиш аниёнага айланган бўлмоқда. Олий таълим ходимларининг I республика спартакиадаси май ойида «Ботаника» санаторийси спорт макмулда ўтказилди. Олий ўқув юртининг 150 нафар профессор-ўқитувчилари спортнинг 6 тури бўйича беллашдилар. Ҳар бири муносабати билан яқинда ўтказилган V республика халқ таълими ходимлари спартакиадасида эса 150 нафар соҳа вакиллари иштирок эттиди. Фоллиларга Марказий кўмитанинг кўча кубоги, фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик совғалари топширилди. Ушбу анжуманларнинг Тошкент вилоятининг «Ботаника» санаторийсида ўтказилганининг рамзий маъноси бор. Спартакиада баҳона захматқаш устоз-муаллимлар шифо масканда мириқиб дам олиб, ўзаро доғлашиб, тажриба алмашдилар. Ана шу тадбирларни ўтказиш учун Марказий кўмита 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

ни йўқотган, кам таъминланган ногирон педагоглар фарзандлари бор. Шунингдек, «Узметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бинолари хомийлиги билан таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Бекобод шаҳар бўйича вакиллик томонидан 180 нафар кам таъминланган оила фарзандлари «Цементачи» оромгоҳида дам олдирилди.

сўми касабаси уюшмаси ҳисобига тўри келади. Кам таъминланган 5810 оила фарзандлари учун 15 миллион 724,5 минг сўмга мактаб формалари, дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Ушбу савоби ишга касабаси уюшмалари ҳисобидан 3 миллион 362,5 минг сўм маблағ сарфланди. 4582 нафар кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақ-

ган 269 та расмий талабномалар асосида 2 миллиард 800 миллион сўм, 38 та прокуратура органларига мурожаат қилиниб, 1 миллиард 200 миллион сўм ундириб берилди. Мазкур муаммо касабаси уюшмаларининг 180 та мажлисида, 124 та раёсат йиғилишида қўриб чиқилган ва бу борадаги ишлар давом этапти.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси тасарруфида 6128 та бошланғич таълим, 109 та туман, шаҳар касабаси уюшмаси кўмиталари, 100та Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри кўмиталарининг худудий вакилликлари бор.

Тизимда 1423585 нафар касабаси уюшмаси аъзоси бор.

Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасининг 52 та бошланғич таълим ташкилотига мавжуд бўлиб, касабаси уюшмаси аъзолари сони 7005 нафарни ташкил этади.

Юртимиздаги 38 та олий ўқув юртида 54 та касабаси уюшмаси кўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнат қилаётган 35527 нафар профессор-ўқитувчи ҳамда 130198 нафар талабанинг барчаси касабаси уюшмаси аъзоси ҳисобланади.

Ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлири (лицей, коллеж, билим юртлири) сони 481тага етган. Мазкур таълим муассасаларида фаолият кўрсатган 245 та касабаси уюшмаси кўмитасининг жами 328941 нафар аъзоси бор. Шуллардан 47813 нафар педагог ходимлар, 281128 нафари талаба-ёшлардир.

Республикамизда: 127 нафар академик, 1153 нафар фан доктори ва 4296 нафар фан номзоди илм-фан, техника соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Тизимда 3383 та ногирон болали, 56832 та кўп болали оилалар, 33248 нафар кам таъминланган касабаси уюшмаси аъзоси бор. Улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимизда 9772 та мактаб, 6865 та мактабга таълим, 584 та мактабдан ташқари ўқув муассасалари мавжуд. Умумтаълим мактабларида 698000 нафар ўқувчи, 450000 нафар ўқитувчи бор.

Меҳр ва муруват йили муносабати билан қўллаб қайтариш ишлари амалга оширилди. 1128 нафар ногиронга тиббий хизмат кўрсатиш учун 5 миллион 747,4 минг сўм сарфланди. Шундан 1 миллион 687,7 минг сўми касабаси уюшмалари ҳисобидан амалга оширилди. Шунингдек, кам таъминланган кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш учун сарфланган 18 миллион 769,8 минг сўм маблағнинг 7 миллион 310,4 минг

ланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. 28 нафар ёлғиз пенсионерларнинг уй-жойлари таъмирланди. Иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш бўлишида касабаси уюшма органлари томонидан жорий йилнинг олти ойида иш берувчилар олдига қўйилган 224 та талабнома асосида 1 миллиард 600 миллион сўм ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига қўйил-

Одамзотнинг улуғлиги илмдан. Илм олиш эса маънавиятимизнинг етакчи йўналиши ҳисобланади. Бу ҳақда Имом ал-Бухорий «Дунёда илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлмаган» деганлар. Мамлакатимиз келажги, куч-қудрати ва раънақи ёш авлодга берилган таълим-тарбияга боғлиқ. Шу мақсадда юртимизда мактаб иши умумхалқ, умумдавлат вазифасига айланган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, киритилган янгилликлар бугун нафақат юртимиз, балки хорижликларни ҳам эътиборида. Айниқса, бу борада 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури мамлакатимизда амал қилиб келинган таълим жараёнини тубдан ўзгартириш, таълим-тарбияда давлат мезонларини жорий этиш, янги дарсликлар яратиш, илм масканларини билимдон, иқтидорли кадрлар билан таъминлаш йўлида янги имкониятлар очди. Янги ўқув йилдан бошлаб ўқитувчилар, айниқса, бошланғич синф ўқитувчиларини рағбатлантириш, меҳнатига ҳақ тўлаш ва тариф ставкаларини тизими қайта қўриб чиқилди. Бу эса ҳаммадан кўпроқ бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига катта мажбуриятлар юкланди.

— Менга Президентимизнинг Фармонлари катта куч-қувват бағишлаш билан бирга масъулиятини оширди, изланишга, мўътабар касба янада меҳрини оширди, — дейди Зарафшон шаҳридаги Ал-Фаробий номи 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Матлубахоним Тўйжонова. — Қолаверса, таълимдаги ислохотларнинг самараси ўлароқ шахримиздаги барча мактаблар ўқув моддий базаси яхшиланди. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар қўлланилмоқда. Бу эса ўқитишда замон билан

Матлуба Тўйжонова: ЕТУК ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ — ЭЗГУ МАҚСАДИМ

ҳамнафас қадам ташлашни тақозо қилмоқда. Бугунги ўқитувчи илгаридек дарс вақтида «хукмрон» эмас, балки таълим жараёнини бошқарувчи шахс бўлиши керак. Бошқача айтганда, ўқувчининг мустақил шугулланишига шароит яратиш, уни аниқ мақсадга йўналтириш. Бунинг учун эса ўқитувчининг ўзи ҳозирги замон таълимини, моҳиятини англаши, келажакни кўра билиши керак. Шу боис биз педагоглар илгаридан бики-уч ҳисса кўпроқ изланишимиз, ўз устимизда ишлашимиз зарур. Буларда аввало миллий гуруҳ тўйгуларини тарбиялашимиз, дарс ўтишда бола фикрини, дунёқарашини ҳисобга олишимиз шарт.

Муаллим ҳақ, бугуннинг ўқувчиси тийрак, зуқко ва билимдон. Унинг саволлари ҳам ўзига хос ва мураккаб. Матлубахон эса ҳар қандай саволга ҳамиша шай туради. Эринмай уларга жавоб беради. У ҳар бир масалада бола фикрини, дунёқарашини ҳисобга олади. Шундай иш тутилса, болада мустақил фикр шаклланади. Қолаверса, янги замон ўқувчиси мустақил фикрга эга бўлиши давр талаби. Матлуба-

хон бу йил мактабда илк бор қадим қўйган 1-синф ўқувчиларига сабоқ бермоқда. — Ҳар бир ўқувчимни аввало руҳиятини ўрганаман, — дейди М.Тўйжонова. — Баъзи болалар оилада эрка, тантиқ бўлиб ўсган

бўлади. Бошқаси эса ўйинқароқ, яна бирови асабий, инжик. Айрим болалардан эса ота-оналарнинг қаттиққўллиги сабаб, ўз фикрини айтишга қўрқиб, ҳадиксираб туришади. Мен бундай пайтда уларнинг фелъига қараб, кўнглига йўл ахтараман. Улар билан юзма-юз сўзлашиб, орзуларини билиши оламан. Аслида ўқитувчи яхши психолог бўлиши керак. Шундагина ўқувчилар юрагини забт этади, қўтилган натижага эришади.

Матлубахон ўқитувчиларнинг сир-синоатини олий тоифали ўқитувчи, умрини мактабга, болалар тарбиясига бағишлаган онаҳонисидан ўрганган. Мана 10 йилдирки, у онасидан ўрганганларини ўз билими, иқтидорига қўшиб ўқувчиларга ўргатади. Изланиш масканлари унинг моҳир педагог сифатида улғайтириб тажрибасини ботиқмоқда.

Шу сабаб унинг ҳар бир ўқувчиси зуқко, ақли расо, аълочи. Изланиш бор жойда ривожланиш бўлади. Изланиш, интилиш эса эзгуликка йўл очади.

А.НАБИЕВА



Маърифат эзгулик йўлини ёритувчи машъала бўлса, ўқитувчи ана шу машъаладан нур олиб кўнгилларга чироқ ёқади, инсонларни маърифат йўлига бошлайди. Қарши педагогика коллежиде ана шундай шарафли касб эгаларини тайёрлаш борасида катта тажриба тўпланган. Бу ерда аниқ пайтда 2500 нафардан зиёд талаба тахсил олмоқда. Уларга 230 та яқин малакали ўқитувчилар илм сирларини ўргатишмоқда. Билим маскани маъмурияти томонидан таълим жараёнини замонавийлаштиришга кенг аҳамият қаратилмоқда.

Суратда: ўқитувчилар Э.Кенжаев, Р.Нуриллаева, коллеж директори А.Жумаев, услубхона мудир Т.Илёсова.

Донишманд Арастудан сўрашибди: — Дунёда энг улуғ зот ота-онами ёки устоз-муаллим.

Аллома шундай жавоб берибди. — Ота-она инсонни дунёга келтирса, устоз-муаллим унга илм ўргатиб ердан самога кўтарди.

Менимча, устоз отангдек улуғ деган ҳикмат шундан пайдо бўлган бўлса не ажаб. Нима бўлганда ҳам бу улуғ зотлар олдида бизнинг бурчимиз, қарзимиз битмас-туганмасдир.

Отам — Суннатилла Ризаев — педагог, захматқаш олим, иходкор, ҳалол, меҳнатсевар инсон, фан номзоди, доцент, фахрий профессор. У киши юзлаб мақолалар, эликдан ортиқ китоблар муаллифи, шунингдек, моҳир тилшунос ҳамдирлар.

Онажоним Озодахон Юсуф кизи ҳам педагог. 35 йилдан ортиқ Шайхонтоҳур туманидаги 192-умумтаълим мактабда ишлаб келмоқдалар. Олий тоифали ўқитувчи.

«ИЗИНГИЗДАН ЮРСАМ ДЕЙМАН...»

Оилада биз олти фарзандимиз. Барчамиз олий маълумотли, ўз касбимизнинг устасимиз. Бунга ота-онамизнинг хизматлари беҳисобдир. Биз фарзандлар эсимизни танимизки, ота-онамиз бизга одоб-ахлоқ, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ҳақида ўқитишди. Болалигимиздан китобларга ошган этган ҳам ота-онамиздир. Отамиз ишдан қайтишларини биз фарзандлар интизорлик билан кутардик. Сабаби улар, албатта 3-4 та янги нашрдан чиққан китобларни олиб келардилар. Бундан ташқари, кўплаб газета ва журналларга обуна бўлишарди. Уларни ҳар биримиз таллашиб-тортишиб ўқирдик ва оила даврасида муҳокама қилардик. Уйимизнинг иккита хонасида кутубхона ташкил этганмиз. Китоблар билан ошно бўлиб биз фарзандлар кам бўлганимиз йўқ. Жумладан, мен ота-онамнинг изларидан бориб, ўқитувчи бўлдим. Ўз касбимни, болаларни жуда яхши кўраман. Ўқув таълим-тарбия ишларида ота-онамдан маслаҳат сўрайман. Ниятим улардек моҳир устоз бўлиш.

Шу мақсадда бир неча йиллардан бери Юнусобод туманидаги 9-мактабда ишлаб келаяпман. Мактаб жамоаси, ота-оналар, ўқитувчилар орасида ўз ўрнини борлигидан жуда хурсандман. Агар инсон ўз касбига сийқидилдан, чин қалбдан ёндашса, албатта унинг меънасини кўраб экан. Мактабимиз раҳбарини биз ёшларга катта эътибор бериб кўлларидан келгунча ёрдан бериб келмоқдалар. Менин иш тажрибамни аввал мактабда, сўнг туманда (ҳозир шаҳар микёсида тайёрланган) омаллаштириб, юксак муқофотга сазовор бўлишимга сабаб бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси учун мен, ўз умрини илм маърифатга бағишлаган ота-онамдан, қолаверса, устозим Гавҳар опадан, мактабимиз жамоасидан миннатдорман. 1-октябр — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни билан аввало ўз ота-онами, барча касбдошларимни муборакбод этиб, миллат шон-шавкатини кўтариш йўлидаги эзгу ишларига омад тайлайман.

Дурдона СУННАТИЛЛА КИЗИ, Юнусобод туманидаги 9-маҳсус мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

ДОНОЛАР ЭЪТИРОФИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо анинг ҳақин юз ганж ила.

Одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайларданок билим сари, ўрганиш сари интилган. Бугун ҳам, бундан жуда кўплаб замонлар илгари ҳам билимнига буюроққ ўрин теккан. Уларнинг жойи — уйининг тўри.

Юсуф Хос ХОЖИБ, Ўз шогирдларида меҳнатдан

завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ.

Э.ХАБИБОВ, Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

А.ДИСТЕРВЕР, Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг — ўшанга, кимни ўқитсанг — ўшаларга меҳр қўймоғин зарур.

В.КЛЮЧЕВСКИЙ, Педагогикани инсон ҳақида эмас, балки бола ҳақидаги илм ҳисоблаш қўпол хатолардан берибди.

Я.КОРЧАК.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Устозсиз шогирд — жонсиз кесак. Устоз кўрган эл танир.

Уста кўрмаган шогирд Ҳар мақомга йўрғалар.

Шогирдига тош берган тош олар, Бош берган бош олар.

Ҳар ишнинг бир устаси бор, Ҳар устанинг бир устози бор.

Уста қандай — шогирд шундай. Устоз билими — шогирд илми.

Йўлакнинг икки тарафида анвойи гуллар қийғос очилган, фавворалардан зиллол сув отилиб, ажиб манзара касб этган. Ҳовли саҳни-чинидек тоза, ўн ёшлар чамасидаги мактаб либосидаги қизақлар фоз туришиб, бараварига салом беришди.

Қаршимизда қулиб турган хуш-бичимгина аёлни таништираркан Гулнара: — Меҳрибонлик уйи касабаси уюшмаси кўмитаси Дилбархон Мухаммаднова бўладилар, — деди. — Корхонамизда, — деди Дилбархон. — 32 нафар педагог мураббий ҳамада 43 нафар техник хизматчилар меҳнат қилади. 170 ўринли болалар уйда 143 нафар турли миқлатга мансуб, етти ишдан 16 ёшгача ақли заиф болалар тарбияланади. Ҳар бир болага бир киши хизматда бўлади. Бу ҳужуматимизнинг ногирон болаларга кўрсатган гамқўрлигидир. Меҳрибонлик уйи таълимини, ишчи-хизматчиларнинг оилавий шароитини ўрганиб, кўмак

ШОГИРД КАМОЛИ

Қалбимда гурур, ифтихор ўйғонди. Яна бир эсда қолгани АКШда байрам қуналар одамлар уйлари пештоқига Америка байрогини қадаб қўйишаркан. Уларда Америкага бориш насиб этди. Ахир ўшанда нафақага чиққанига бир йил бўлганди. Ёши бир жойга борган муаллимада касбага иштиёқ сўнмади.

— Калифорния Университетида бир олим лекция ўқиди, — дея эслайди Ҳамроҳон. — У Америкада давлат тузилганига 220 йил бўлгани, Ўзбекистон ўқитилишини янги усул ва услубларини ўрганишда. Бунда уларга муаллима Ҳамроҳон Мажидова бош-

қилганига 7 йил бўлди. Аммо бир зум мактабдан кетгиси келмайди. Ўзи ташаббус кўрсатиб ошган гимназия синфи ўқувчилари чукчурроқ билим олса, тилин пухта ўзлаштира эди. Бугунги кунда унинг қўлида тахсил олган Дурдона Мамадалиева, Матлуба Мамадалиева, Қаноат Раҳимова каби шогирдлари ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ беришляпти.

Бу жонқур муаллимнинг ибратли умрига, фидоийликка тўла ҳаётига қўнчилик ҳавас қилса арзийди.

Зокиржон ЮНУСОВ

Исоқ САТТОВОВ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ


*Отадан улусиз, Онадан азиз,
Куйшдан мунаввар, нон каби лазиз,
Дунё жаҳолатда қоларди сизиз,
Менин муаллимларим, менин
муаллимларим.*



БУХОРО ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



*Доимо эл-юрт ўртасида
обрў-эътибор топган,
эъозлаб келинган
ўқитувчилик касби, айниқса
бугунги кунда янада катта
масъулият ва маъно-мазмун
касб эътиганини ҳозирги
шиддатли замон, олдимишга
янги-янги муаммоларни
қўяётган ҳаётимиз
мисолида яққол кўриб
турибмиз*





ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Мамлакатимиз таълим
tizимида фидокорона
меҳнат қилиб келаётган
азиз инсонларни умумхалқ
байрами билан чин қалбдан
қутлайди*



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

*Юртимиз
маорифчиларини
1 октябр —
Ўқитувчилар ва
мураббийлар куни билан
самимий
муборакбод
этади*





Ана, энг ширини.

Р.ШАГАЕВ
(ЎзА) олган сурат

Илҳом ШАРАФЛИ УНВОН

Муаллим деганда куллаи жаҳон
Уридан туради, этади таъзим.
Муаллим-дунёда энг улуг инсон,
Ҳаммадан мўътабар устози азим.

Авлодларнинг онги, идроки, ақли,
Шу закий инсоннинг заҳмат самари.
Шогирд нимагаки эришса, ундан,
Унга ҳам тегишли шогирд зафари.

Муаллим деган ном, шарафли унвон,
Барча унволардан улугвор, буюк.
Барбар бўлмас унга ҳеч нишон
Ҳурмат-эҳтиромда тенги йўқ суюк.

Изланиш ва кураш, меҳнату ижод
Муаллим зехнидан топдилар ривож,
Яшаб турганимиз дунё тахт бўлди,
Муаллим тутқазди эга бўл, деб тож.

Бизга у танитди кўна дунёни,
Шу инсон туфайли чиқардик савод.
Ҳаёт лаззатин, меҳнат роҳатин
Дилдан ҳис эттирди муаллим-устод.

Токи шу кўлларим тутаркан қалам,
Муаллим маҳзини этгум мен эъзоз.
Дилимда яшайди абадиётга,
Мангу ҳаёт эрур муаллим – устоз.
Маҳмуджон ҚУРБОН,
меҳнат фахрийси

МЕРГАНЛАР ФАРҒОНАДА БЕЛЛАШДИ

Фарғонада ўқ отиш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида элликдан зиёд спортчи куч синашди.

Пневматик қуролдан отиш бўйича қизлар ўртасидаги беллашуларда совринли ўринлар андижонлик Екатерина Ивко, пойтахтлик Елена Дронина ҳамда Самарқанд вилояти вакили Анжела Михайлисга насиб этди.

Ўғил болалар баҳсида шохсупага тошкентлик Хасан Мавлиев, самарқандлик Жамшид Жўрақулов ва пойтахтлик Фарход Неъматуллаев кўтарилди.

Тўпчанчадан отиш машқларида қизлардан наманганлик Татьяна Тарасова биринчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар баҳсида пойтахтлик Лазиз Мухаммадраҳимов мерганлик борасида тенгсиз эканини исботлади. Қолган совринли ўринлар Тошкент шаҳридан келган спортчилар - Мария Теплова, Баҳром Қодиров, самарқандлик Инна Долгушина ҳамда мезбонлар вакили Шерзод Жалоловга насиб этди.

Фузор туманидаги «Камал» болалар боғчасида кичкинтойларни мактабгача тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 60 нафар тарбиячи 210 нафар болажонларни соғлом, етук бўлиб улгайишларида ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Тарбия масканида «Соғломжон-Полвонжон» ўйини, саломатлик кунлари ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказиш аъяна тусини олган.

Суратда: тарбиячи Гулнора Отақулова болалар билан.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

САЛОМАТЛИККА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Кўш доғи майдонида физиклар кўп ҳолларда микрод инфаркти билан касалланиш ҳамда кўш чакнаши орасида кучли боғлиқ мавжудлигини аниқлашди. Инфарктлар сони чакнашдан кейинги иккинчи куни энг юқори нуктасига чиққан. Чунки, корпускуляр оқимнинг кўшдан ерга етиб келиши учун 1,5-2 кун вақт керак бўлади-да!

Кўш радиацияси ўзгаришининг қон тизимига таъсири ўрганиш муаммоси биринчи марта солиқ иттифоқда қўйилди. Соҳида кўш фаоллигини қон тизимига таъсири ўрганилди.

Қон ҳар қандай ташқи таъсирга сезгирдир. Хусусан, унинг ер электр ва магнит майдонининг ўзгаришларига, космик нурланиш ва кўшдаги чакнашга, кўш доғлари ва радио тўлқинлари таъсирига сезгирлиги текширишлардан яхши маълум.

А.АЛИЕВ

ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ

юмади. Севикли аёлининг вафотидан каттиқ кайғуга тушган шох унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Жамна дарёси соҳилида муҳташам обида қуришга аҳд қилди.

23 йил давомида тикланган ушбу мақбара қурилишида йигирма мингдан ортиқ киши қатнашган. Шарқ мезморчилигининг энг гўзал ва латиф жиҳатларини ўзида мужассам қилган бу осо-

ри атикани бунёд этишда Самарқанду Бухородан борган қўли гул усталар ҳам фаол иштирок этган.

Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида эътироф этилган Тож Маҳал мақбараси асрлар оша муҳаббат ва садоқатнинг мангу тимсоли бўлиб келаётди. Уни ҳар йили миллионлаб сайёҳлар зиёрат қилади.

(ЎзА)

Турфа олам

АНТАРКТИДА ҚИТЬАСИ ҲАКИДА ПИЧА

Муз остида яшириниб ётган Антарктида қиътасининг майдони Европадан анча катта. Австралия худудидан эса қарийб икки баробар ортиқдир.

Жанубий кутбадаги қиътанин ажайиб хусусиятларидан бири унинг баландлигидир. Маълумки, қуруқликнинг баландлиги денгиз сатҳига нисбатан ўлчанади. Шу маънода олганда, Европа ва Осиёнинг баландлиги 830 метр, Австралияники 340 метр, барча қиъталарнинг ўртача баландлиги 725 метр.

Антарктиданинг ўртача баландлиги эса 2200 метрдир. Албатта олтинчи қиътанин «қўқрагани кўтариб» турган бир нарсаси бор. У ҳам бўлса – ниҳоятда қалин муз қатламидир. Маълумки, еримиз бир замонлар муз даврини бошидан кечирган. Ҳозир муз даврига ҳос табиий шароит сақланиб қолган бирдан-бир жой Антарктида ҳисобланади.

Агар Антарктидадаги ҳамма муз эритилганда эди, дунё океанининг сатҳи 45 метрга кўтарилиши мумкин. У ҳолда гарчи бутун дунёни сув босма-да, талайгина мамлакатларнинг соҳиллари сув остида қолган бўларди.

КҮЁШДА ДОҒ БОР

Кўшнинг телескопда кузатганда, унинг сирти оддий кўзга кўрингандек бир текис равшанликда бўлмай, турлича шаклдаги асалари уясини эслатувчи уячалар билан қопланганлиги маълум бўлади. Кўш фаоллигини ундаги доғлар қараб билиш мумкин. Одатда, кўш доғлари катталиги жиҳатидан турлича бўлиб, диаметри бир неча юз километрдан бир неча ўн миң километрча чўзилган.

Кўш доғларининг асосий хусусияти шундаки, уларда магнит майдони одатдагидан кўра анча кучли бўлади. Бу ҳодиса биринчи бор 1908 йилда кузатишган. Доғларнинг ҳарорати нисбатан 4500 даража иссиқ атрофида бўлади. Кўш доғларининг сони вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Бу ҳодисани Г.Швабе деган немис астрономи 20 йил давомида кузатиб, доғлар сонининг ўзгариш даври 10 йилни ўз ичига олади, деган хулосага келди.

Шундан кейин олимлар доғларни янада мунтазамроқ кузатиб, доғлар сонининг ўзгариш даври, ўрта ҳисоб билан 11,2 йилга тенг эканини аниқлашди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар қўмитаси аппарат иш юристуви Мавлюда Каюмқоджаевага отаси

ҲАФИЗ отанин

вафот этганилиги муносабати билан қуқур таъзия ихор этади.

«Ишонч» газетасининг 2004 йил 28 сентябрдаги 156 (1789) сонидан очик аукцион савдосига қўйилган «ДЭУ-супер салон» русумли, давлат белгиси 10 UZ 016, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси бўйича ҳисоб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ ОАО «2-Автокомбинат» расположенного по адресу: г.Ташкент, ул.Севгизбаева, 3 Порядковый номер сообщения - 06 Юрид.лицо «Intersurg Limited» 31, Hendon, приобр. акции на кол-во акций шт. 273778 доля в У/Ф 60,71 % вторичном рынке ЦБ Дата внесения записи в систему видения реестра акционеров 2004 г. 2004 г. 27 сентября.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — ЧОРАК ФИНАЛДА

Шундай спорт тури борки, унинг шинавандалари ер қуррасининг барча бурчакларида истаганча топилди. У — футбол. Хатто хоккей, баскетбол каби спорт турлари халқ ўйинига айланиб кетган АҚШ ва Канадада ҳам, Африка чангалзорлари-ю, Австралианин аборигенлар яшайдиган қулбалар атрофида тўп ортидан бутун боллигини нуғитиб югуриб юрган болаларни учратиш мумкин.

Футбол кейинги йилларда Осиё қиътасида ҳам тез тараққий толмақда. Бунга бири тугамай иккинчиси бошланаётган турнирлар исбот бўлиши мумкин. Айни кунларда ишқибозлар ва мутахассислар нигоҳи Жануби-Шарққа — фусункор Малайзияга қаратилган. Бу ерда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати давом этмоқда. Ушбу мусобақада қиътамизнинг сараланган ўн олти жамоаси келгуси йили Голландияда ўтказилиши режалаштирилган Жаҳон чемпионида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун мurosасиз беллашуларга киришганлар. Дарвоқе, ярим финалга чиққан тўрт командага Жаҳон чемпионидаги йўлланма топширилди. Йўлланмага эга бўлишининг соддалаштирилган ушбу шакли жамоа мутасаддиларидан ўз шогирдларини ҳар бир ўйинга жиддий ҳозирлашларини тақозо этади.

Шу маънода Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инелеевга ҳавас қилса арзийди. Жамоа унинг етакчилиги остида чорак финалга чиқишдек дастлабки дувонни ошиб ўтди. Бу фаворитларимиз Хиндистон вакиллари билан мағлуб этганларидан сўнг ярим финал баҳсини олиб бориш имконини беради.

Икки турдан сўнг бошқа гуруҳлардан Япония, Қатар ва Ироқ ёшлар терма жамоалари ҳам чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Чорак финал баҳслари 3 октябрда, ярим финал эса 6 октябрда белгиланган. Мусобақа фолиби 9 октябр куни аниқланади.



Икром ҲАСАНОВ олган сурат

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАРАДДУД

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари жарроҳ-гепатологларнинг навбатдаги халқаро илмий-амалий конференцияси Россиянинг Омск шаҳрида ўтказилди. Унинг ишида ўзбекистонлик шифокорлар ҳам катнашди. Ўз навбатда мамлакатимизда тиббиётнинг бу муҳим йўналишида қўлга киритилган ютуқларга яхши баҳо берилди.

Шуниси қувонарлики, бундай нуфузли анжуманининг навбатдаги йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилмаган бўлди.

Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Биринчидан, республикамизда машҳур шифокор академик В.В.Войдович меросини ўрганиш билан боғлиқ тиббий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Унинг номи билан уюштирилган конференциялар ҳам Ўзбекистонда жарроҳлик яхши самаралар бераётганидан далолат бериб турибди.

Келгуси йили «Войдович ўқувлари — 2005» анжуманининг ўн йиллиги нишонланади. Шу билан бирга ушбу атоқли фан арбоби асос солган республика кўркак жарроҳлиги маркази ташкил топганига 30 йил тўлади.

Ҳамдўстлик давлатлари жарроҳ-гепатологларнинг навбатдаги Тошкентда ўтказилмаган халқаро анжумани ана шу саналар доирасида уюштиришга қарор қилинган тахминга лойиқдир.

Келтирибдурларким, бир киши Зуннун қошига келиб деди: қарздорман, ҳеч нарса йўқ ва ҳеч кишини билмасман. Зуннун бир ердин бир тошни олиб анга берди ва ул киши тошни олиб бозорга чиқди. Ул тош зумрад бўлиб эрди. Ани 400 руқъага сотди ва қарзига берди.

Деддур, уч нимарса дунёдорлиқга лозим келур: аввал баданиннинг ранж-машаққати, иккинчи кўнглиннинг шугли ва парокандалиги, учинчи ҳисоби киёматнинг қотиғлиги.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

Жума ўғитлари

эрди. Муни бозорга элтиб гаваҳрфурушга баҳосини қилдириб сотмай олиб кел, деди. Ўғил ул ёқутларни бозорга элтиб гаваҳаршуносга кўрсатди, эрса ҳар бирини юз минг ашрафий олиб Шайхнинг олдига қўйди, воқеани баён қилди.

ЗУННУН МИСРИЙ

боллиг бўлгйсен. Вақтеки ўғил боллиг бўлди, эрса Зуннуннинг олдида тавба қилди ва тамом ашрафийларни сўфиларга харж қилди. То илҳида ҳеч нима қолмади. Бир кун ҳодиса пеш . келди. Бир хал лоламо уллардан бирини олиб ҳалиги кишига берибди. Шундан сўнг кема ахли унинг оёғига бош қўйиб, узр сўраб «Бу Зуннун экан» дейишибди. Натияжада Шайхнинг лақаби «Зуннун» бўлиб қолибди.

Бундан ташқари, тазикирада Зуннуннинг бир гўзал аёлга севги ихзор этиш учун, уч сарик чакани ёқутга айлантирган ҳақида ҳам ҳикоятлар мавжуд. Сўфизмга оид барча китобларда Зуннун Мисрийнинг кимё фанининг забардаст дошнингиди эканлиги зикр этилган. Жумладан, «Тарихи ҳукамо» кимёдоний» рисоласида Зуннун Мисрийнинг кимё фани сехрини билиши баёнига махсус боб ахратилган.

Нақлдурким, Зуннун қошига бир ёш ўғлон келди ва дедиким: менин 100 минг ашрафийим борким, отамдин ме-

Хонбиби МАҲКАМОВА

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» саройида
БОБОМУРОД ҲАМДАМОВНИНГ
«Соғиндим» деб номланган яққахон
КАТТА КОНЦЕРТИ
7-8 октябрь
соат 19⁰⁰ да бошланади
Қўшиқ ва мусиқалар жонли ижро этилади
Тел.: 45-92-51, 104-20-96 Гувнонамо № 170 07.09.04.й.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.15

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида басилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.